




2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 18
(939)
2025 йил
8 май,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



ТИНЧЛИК БЎЛСИН ЖАҲОНДА!

Дунёдаги барча оналар фарзандларининг кўз ўнгида эмин-эркин вояга етишини исташади. Бироқ, уруш аталмиш бало бор. Фарзандлар онасини, Ватанини ҳимоя қилиш учун жангга отланишади. Азиз фарзандини жангга кузатган онанинг ички изтиробларини ким ёза олади?.. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, урушнинг энг мудҳиш даҳшатларини кўрган машҳур болқор шоири Қайсин Қулиев(1917–1985) ёзганди: “Жангларда отилган энг биринчи ўқ, она юрагини тешиб ўтади”. Уруш даврида ҳаммага оғир бўлган. Лекин ҳаммадан кўпроқ оналар жабр чекишган. Улар оқ ювиб, оқ тараб улғайтирган фарзандларини фронтга жўнатган кундан хавотирда яшашади.

(Давоми 2-саҳифада)



«...МАҚТАБ, МАҚТАБ ЎЛДИРАМИЗ»

Бир пайтлар отар эдик, осар эдик,
Энди эса мақтаб, мақтаб ўлдирамыз.

8-саҳифа

Мушоҳада

«ЭНГ КАТТА МЕРОС БУ — ЯХШИ ТАРБИЯ»

Жамиятда ғоявий бўшлиқнинг пайдо бўлиши маънавий қашшоқликни вужудга келтиради. Маънавий қашшоқлик боис жамиятда жаҳолат ва манқуртлик пайдо бўлади. Манқуртлик вужудга келса, инсон ўзини, ўзлигини унутади. “Манқурт” сўзи кўчма маънода ўз тарихини, ўз наслини, ўзининг аجدодларини унутган инсонга нисбатан ишлатилади.

Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романида манқуртлик ҳодисаси ҳақида фикр юритилар экан, ундаги ривоятга кўра, қадим замонда жанговар жунгжанглр деган босқинчи халқлар томонидан асир тушган жангчиларни ё қул қилишар ёки ўзга ўлкаларга сотиб юборишар экан. Асирларга нисбатан беҳад оғир жазо чораси сифатида бошига терикалпоқ тортиш қийноғи бўлиб, одатда, бундай жазога ёш асир йигитлар маҳкум этилар экан. Банди қилинган асирнинг сочлари дастлаб тақир қилиб қирилар, сўнг янги сўйилган туянинг бўйин терисидан тайёрланган қалпоқчани асирнинг бошига қопланар экан. Албатта, бундай азобга гирифтор бўлган шўрлик одам ё ўлиб кетар, ё бир умрга хотирасидан ажралиб, ўтмишини эслолмайдиган манқуртга айланар экан. Шу тариқа, инсоний қадр-қимматини фаҳмлай олмайдиган бундай махлуқлар фақат хўжайинга қуллук қилиш, топшириқларни сўзсиз адо этишдан бошқасига ярамас экан.

Бугунги кунда дунё жамоатчилигини ёшларнинг виртуал ўйинларга муккасидан кетиши ва унга тобе бўлиб қолиши жиддий ташвишлантормокда. Айниқса, ёшлар онгига турли усуллар билан таъсир этиш, улар қалбига ёвуз ва бузгунчи ғояларни сингдириш орқали тўғри йўлдан оздиришни мақсад қилган ғаразли кучлар тобора кўпайиб бормокда. Мазкур ҳолат оддий компьютер ўйинларидан тортиб, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, мобиль алоқа дастурлари орқали ҳам амалга оширилаётганлиги ўта хавотирлидир. Аниқланишича, ҳаёлий оламда кўп вақт ўтказувчилар гипнозга берилувчан шахслар бўлишади. Компьютер ўйинлари дастурини маълум мақсадлар асосида, кишини «зомбилаштириш»га хизмат қиладиган сўзлар воситасида тузиш эса мутахассислар учун мураккаб иш эмас. Виртуал олам инсонни фикрий қарам этиш орқали ўзига буйсўндириб, ёшларни ёки ўсмирларнинг интернет-кафени “иккинчи уйи”га айлантдириб олаётгани сир эмас, албатта.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, онлайн ўйинларни ўйновчилар асосан ўсмирлар ҳисобланади. Ўсмирлик шахснинг физиологик ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос даври бўлиб, агар шу даврда ўғил ёки қиз агрессив руҳдаги онлайн ўйинларга берилса, бу салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Компьютер экранидан турли тажовузкорона кўринишлар, зўравонлик ва фаҳш ишлар очикдан-очик кўрсатилиши болаларнинг руҳиятига салбий таъсир этиб, улар маънавиятига жиддий таъсир кўрсатмолда.

(Давоми 5-саҳифада)



ТИНЧЛИК БЎЛСИН ЖАҲОНДА!

(Боши 1-саҳифада)

Шу боис Ҳиндистоннинг Бош вазири бўлган Индира Ганди 1968 йили Дехлида ўтказилган тинчликка бағишланган халқаро анжуманда Қайсин Қулиевнинг юқоридаги сўзларини айтганда дунёнинг кўплаб давлатларидан келган вакиллар оёққа қалқиб, ўн дақиқача гулдурас қарсак чалиб туришган.

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари ва битмас-туганмас жароҳатлари ҳақида ёзганда фақат рақамларни қайд этиш билан кифояланиб қолмаслигимиз керак. Чунки урушда 538 мингдан зиёд ўзбекистонлик ҳалок бўлди дегани, 538 мингдан зиёд она бўзлаб қолди, уларнинг умр йўлдошлари бевалик, болалари етимлик, миллионлаб қариндошлари айрилиқ азобига гирифтор этилди деганидир. Ҳа, даҳшатли уруш жанг майдонларидан узоқда яшаётган оналар, оилалар бошига чексиз-чегарасиз кулфатлар солди. Буни ҳозирги ва келгуси авлодлар билиши, тўлақонли ҳис қилиши, осойишта кунларнинг қадрига етиши ҳамда юртимизда, жаҳонда тинчликни сақлаш учун доим тайёр туришлари керак.

Дарҳақиқат, она юраги фарзанди томон отилган ўқни олдиндан сезади. Шунинг учун у муқаддас зот – ОНА! Ўзим ҳам болалигимда кексалардан фалончи холанг куппа-кундузи текис жойда ўқ теккандай йиқилганди, кейинроқ фронтдан қора хат келганда билсак, ўша вақтда ўғли жангда ҳалок бўлган экан, деган гапларни кўп эшитганман. Шоир Қайсин Қулиев фронтда уч йил жанг қилди, икки бор оғир ярадор бўлди, фашистларнинг ваҳшийликларини ўз кўзлари билан кўрди, урушдан кейин қанча жабрдийдаларнинг хотираларини тинглади ва юқоридаги дунёга машҳур саккизлигини ёзди.

Шоир умри давомида уруш фожиаларига бағишланган кўплаб шеър ва дostonлар ёзди. Улар ду-

нёнинг 146 тилига ўтирилди ва шеърхонлар томонидан ҳамон севиб мутолаа қилинмоқда. Бироқ, шоир юраги туб-тубида болқор халқининг, оналарининг уруш даврида кўрсатган жасорати, матонати ва чеккан азоб-укубатларига бағишланган асар ёзишни ўйлади. У 1950 йили “Қиш эди...” романини бошлади ва умрининг сўнггида оғир хасталикка чалинган бўлишига қарамай 35 йил деганда романни ёзиб тугатди. Афсуски, унга романнинг китоб ҳолида чиққанини кўриш насиб этмади. Шоир вафотидан икки йил ўтиб, 1987 йили роман олдин болқор ва

шу дақиқаларда ҳам оналигича қолганди, урушга кетган ўғлини ўйларди. Бу хаёллари даҳшатли тунда унга куч бағишларди. Ўғли Назирни кутиши учун бу даҳшатли йўлни босиб ўтиши кераклигини биларди”.

Фарзандининг урушдан қайтишини кутаётган миллионлаб оналар орасида ўзбекистонлик оналар ҳам бор эди. Улардан 538 мингдан зиёди ўз фарзандини қайта кўриш насиб этмади. Айрим оналаримиз даҳшатли урушда бир эмас, бир қанча фарзандидан жудо бўлишди. Тошкентимиз ёнидаги Хонобод қишлоғида истиқо-

ўқлар ҳамон оналар юрагига тегиб ўтмоқда.

Одамлар, огоҳ яшайлик! Юртимизда ва дунёда тинчлик барқарор бўлиши учун ҳиссамизни қўшайлик. Ҳаётда оналаримизга эътиборли бўлайлик. Бирор ножўя сўзимиз, хатти-ҳаракатимиз билан оналаримиз юрагига озор етказиб қўймайлик. Биз оналаримизни дунёга келтирганлари, вояга етказганлари учун, ҳақимизга дуо қилиб турганлари, дунёда борлиги учун севиб қадрлайлик, буни фарзандлик, инсонийлик бурчи, деб билайлик.

Мақолани Қайсин Қулиевнинг ҳикматли сўзлари билан бошлагандим ва машҳур шоирнинг ибратли нақли билан якунламоқчиман: “Менимча, шеърят ўша фожияли давр руҳини, яшашни жуда истаган ва лекин Ватан учун жангларда ҳалок бўлган кишиларимизнинг қаҳрамонликларини акс эттириши керак. Бунда андак ёлгон ҳам, сохтагарчилик ҳам нафрат уйғотади ва шахидлар руҳига ҳақоратдир.

Менимча, мамлакатимиз бошидан кечирган қийинчиликлар ҳақида гапирганда Ғалаба машаққатлар билан қўлга киритилганини ҳар сафар айтишимиз зарур. Бу халқимизнинг шарафлайди, унинг руҳияти, иродаси, орияти, кўрсатган қаҳрамонликлари улугвор эканлигини яна бир қарра таъкидлайди. Ҳаётга энгил қараш, санъатда ортиқча зийнатга берилиш ҳеч кимга шараф келтирмаган ва бундай яшаш, ижод қилиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, биз буюк келажакка гуллар сочилган равон йўлдан борамиз деб ўйламаслигимиз керак. Бу биз учун зарарли ва кечириб бўлмас хатоликдир. Буюк мақсад ва ишлар ҳар доим буюк мардликни, буюк ҳақиқатни талаб қилади”.

Асрор МЎМИН,
шоир ва таржимон,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Одамлар, огоҳ яшайлик! Юртимизда ва дунёда

«**тинчлик барқарор бўлиши учун ҳиссамизни қўшайлик. Ҳаётда оналаримизга эътиборли бўлайлик. Бирор ножўя сўзимиз, хатти-ҳаракатимиз билан оналаримиз юрагига озор етказиб қўймайлик. Биз оналаримизни дунёга келтирганлари, вояга етказганлари учун, ҳақимизга дуо қилиб турганлари, дунёда борлиги учун севиб қадрлайлик, буни фарзандлик, инсонийлик бурчи, деб билайлик.**»

рус тилларида, кейин инглиз тилида минглаб нусхада нашрдан чиқди ва жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидан ўрин эгаллади.

Романда ўз фарзандининг урушдан эсон-омон қайтишини кутаётган миллионлаб оналарнинг умид-армонлари ҳаётий ифода этилган: “Энди Марямнинг битта умиди қолганди – мен ўғлим келгунча ўлмасам бўлди. Агар Худо мени Назирим уйимга қайтган кунни кўришга етказса, ўлсам армоним қолмасди”, “Ёлғиз аёл қаҳратон қиш тунда фашистлар таъқибидан қочиб, бийдай далада қор кечиб тоғ томонга одам яшайдиган жойни излаб, олов ёқиб исиниш мумкин бўлган уйни ўйлаб, яраланган оёғини судраб босиб кетиб борарди. Чунки бу захматкаш аёл ОНА эди. Ҳатто мисли кўрилмаган азоблар чекаётган

мат қилувчи Зулфия Зокированинг беш ўғли урушдан қайтмади. У умрининг охиригача ўғилларининг ҳалок бўлганига ишонмади, кутиб яшади. 1960 йили эшикка қараганча умидвор “Биронтаси келмади-я” деди, кўзларидан бир томчи ёш оқди ва жони узилди. Пойтахтимизнинг “Ғалаба” боғида шу она шарафига қўйилган “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуаси ёнидан ўтаётганда бир нафас тўхтанг, уруш даврида қалби вайрон бўлган 538 мингдан зиёд оналаримизни эсга олинг.

Ҳали бирор она фарзандим урушда қатнашсин, қон тўксин, дея боласини дунёга келтирмаган ва ҳозир ҳам, кейин ҳам бундай бўлмайди. Дунёдаги барча оналар тинчлик-фаровонлик тарафдори. Лекин уруш олови сўнган эмас. Жанг майдонларида отилган

УМИД, ИШОНЧ ВА ШАРОИТ

Тошкентда инклюзив жамият сари муҳим қадамлардан бири бўлган — Учинчи Инклюзив Бизнес-Форум бўлиб ўтди. Форум Ўзбекистон меҳнат бозорида тенг имкониятлар яратиш, ногиронлиги бор шахсларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва хусусий секторни инклюзив ёндашувларга рағбатлантиришга қаратилган.

Тадбир “Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахсларни махсус рекрутинг веб-портал — www.ishplus.uz орқали иш билан таъминлаш” лойиҳаси доирасида ўтказилди. The Stirling Foundation молиявий кўмак кўрсатган мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий ижтимоий ҳимоя агентлиги, Тошкент шаҳар ногиронлар жамоат бирлашмаси “SHAROIT PLYUS”, БМТ Тараққиёт Дастури, Ижтимоий ҳимояни ривожлантириш институти ва бошқа миллий ҳамда халқаро ҳамкорлар шафеълигида уюштириди.

— “SHAROIT PLYUS” номи — бу имконият ва умиднинг тимсоли. Биз инсонларга шунчаки “шароит” яратиб беришдан кўра, уларнинг орзуларига эришишига ишонч беришни, улар билан бирга юришни мақсад қилганмиз. Ҳар бир ишга жойлашган инсон ортида бир оила, бир жамият, бир умид турибди. Биз бунга фақат статистик кўрсаткич сифатида эмас, балки инсоний тақ-

дир сифатида қараймиз. Бу форум орқали билдикки, агар ҳар биримиз озгина эътибор ва тушунишни намоён қилсак, ҳар қандай деворни кўприкка айлантиришимиз мумкин. Энди бу ҳаракатни республика бўйлаб янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш вақти келди, — дейди Тошкент шаҳри ногиронлар жамоат бирлашмаси “SHAROIT PLYUS”, раҳбари Муҳаббат Раҳимова.

100 дан ортиқ иштирокчи — хусусий компаниялар, давлат муассасалари, халқаро ташкилотлар ва ННТ вакиллари — форумда иштирок этди. Тадбир гибрид шаклда ўтказилди, Zoom ва YouTube платформалари орқали жонли эфирда ёритилди. Синхрон таржима рус, инглиз ва ўзбек ишора тилларида тақдим этилди.

Форумнинг асосий мақсади — ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат бозорига тўлақонли жалб этиш учун бизнес вакиллари қарашларини ўзгартириш, мавжуд давлат имтиёзлари ҳақида хусусий

секторга етарли ахборот бериш ва жамиятда инклюзив меҳнатга доир ижобий қарашни шакллантиришди. Шунингдек, иштирокчиларга реал ҳаётдаги муваффақиятли кейслар, иш берувчиларнинг амалий тажрибалари ва инклюзив ёндашувлардан фойда кўрган корхоналар тақдим этилди.

Форум доирасида қуйидаги беш асосий йўналиш бўйича панел сессиялар ташкил этилди:

- Иш жойларида инклюзия: овқатланиш, чакана савдо, банк ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ногиронлиги бор ходимлар билан ишлаш тажрибалари;
 - Корпоратив маданият ва инклюзив лидерлик: раҳбарият ва HR бўлимларининг ўзгарувчан эҳтиёжларга мослашуви;
 - Давлат сиёсати ва рағбатлар: инклюзив иш берувчилар учун мавжуд субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш механизмлари;
 - Халқаро тажриба: Швециядаги ижтимоий корхоналар тажрибаси асосида инклюзив ёндашувлар;
 - Инклюзив меҳнат бозорининг истиқболлари: 2027-йилгача мўлжалланган стратегик чора-тадбирлар.
- Спикерлар сафида Safia Cafe & Bakery, EVOS, Tashkent City Mall,

Kapitalbank, Yandex Go, ALPHA, PRAXIS PLUS, CARE CSR каби йирик компаниялар вакиллари, таълим ташкилотлари, давлат идоралари ва шведиялик экспертлар иштирок этди.

Муҳокамалар давомида қуйидагилар алоҳида эътиборга олинди:

- Ногиронлиги бор ёшларга касбий тайёргарлик бериш тизимини кучайтириш зарурати;
- Инклюзив муҳит яратишда жамиятдаги стереотиплар ва стигма билан курашишнинг долзарблиги;
- Ногиронлиги бор аёлларнинг бандлигини ошириш бўйича махсус стратегиялар ишлаб чиқиш зарурати;
- Инклюзив иш жойларини аниқлаш, баҳолаш ва тарғиб қилиш учун мониторинг тизимини яратиш таклифи.

Форум якунида 2027-йилгача бўлган давр учун инклюзив меҳнат бозорини ривожлантиришга доир аниқ тавсиялар ва амалий чора-тадбирларни ўз ичига олган таҳлилий ҳужжат ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда. Ушбу ҳужжат хусусий сектор, давлат идоралари ва фуқаролик жамиятининг янада самарали ҳамкорлиги учун йўл харитаси бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Дурдона ШАВКАТОВА



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг март-апрель ойларида республика бўйлаб амалга оширилган ўрганишлар натижалари ва фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ аъзо-

лари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб, 100дан ортиқ маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда 600дан зиёд туман депутатлари иштирокида аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказди. Учрашувларда “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Парламент комиссияси мажлисида ушбу масалалар чуқур таҳлил қилиниб, айрим муаммолар тегишли ижро органлари билан ҳам-

Фаолият

корликда ҳал этилгани, эришилган натижалар вақтинча эмас, балки тизимли ва барқарор бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш ва манфаатдор ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлис давомида ҳудудлар кесимида аниқланган ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни бартараф этишга қаратилган давлат грантлари эълон қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу грантлар аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит ва санитар-гигиеник ҳолатни яхшилаш, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби йўналишларни камраб олади.

Грант танловлари ва барча тегишли жараёнлар ngo.gov.uz ягона электрон платформаси орқали амалга оширилади. Фуқаролик жамияти институтлари ушбу платформа орқали ўз лойиҳаларини тақдим этиш, баҳолаш жараёнини кузатиш ва муҳокамаларда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, мажлисда қатор давлат ташкилотларининг ижтимоий буюртмалари, нодавлат ноtijорат ташкилотларининг устав фаолияти бўйича мурожаатлари ва амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.



ХАЛҚЧИЛ ҲУЖЖАТ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 54-мақсад сифатида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, жумладан, фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш ҳамда фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилмасдан идоралараро электрон маълумот алмашинуви асосида пенсия тайинлаш тизимига ўтиш белгиланган.

Мамлакатимизда 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра пенсия олувчиларнинг умумий сони 4 104 453 нафарни ташкил қилиб, улардан 3 400, 1 минг нафари ёшга доир пенсия олувчилар ҳисобланади.

Мамлакатимизда фуқароларга пенсия тайинлаш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, пенсия тайинлаш жараёнида инсон омилини камайтириш, тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш учун илғор рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Олий Мажлис Сенатининг 6-ялпи мажлисида “Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни тасдиқланди.

Ушбу Қонун билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлган фуқароларга уларнинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинланишини ҳамда фуқароларнинг шундай тартибда тайинланган пенсияни рад этиш ҳуқуқини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Фуқароларга тўланадиган тўрт

турдаги ижтимоий тўловларни уларнинг мурожаатисиз проактив шаклда, икки турдаги ижтимоий тўловларни композит шаклда ҳамда яна тўрт турдаги ижтимоий тўловларни қўшимча ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда, биргина паспорт асосида тайинлаш амалиёти жорий этилди.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга пенсия олиш ёшига тўлган фуқаролар (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш)га ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур тартиб амалиётга татбиқ этилиши натижа-сида фуқаролардан пенсия тайинлаш учун Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмасига ёки Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш талаб этилмайди. Бундан ташқари, пенсия ёшига етган фуқароларга қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида пенсия тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинганида уларнинг телефон рақамларига пенсия тайинланганлиги ва унинг миқдори тўғрисида смс хабар юборилади.

Бунда фуқаронинг ёшга доир пенсияга бўлган ҳуқуқи ушбу Қонунда белгиланган шартлар ва нормаларга мувофиқ ахборот тизимларидан олинган маълумотларга асосан аниқланади. Фуқаронинг пенсияга бўлган ҳуқуқини аниқлашда пенсиянинг миқдори

ҳисоб-китоб қилинади ва пенсия тайинланади.

Шу билан бирга “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга:

■ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлган фуқароларга уларнинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлаш ҳамда фуқароларнинг шундай тартибда тайинланган пенсияни рад этиш;

■ пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги кетма-кет беш йилдаги иш ҳақининг энг юқори миқдорини ахборот тизимидаги ёки фуқаро томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан автоматик равишда аниқлаш;

■ фуқаро унинг мурожаати талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) тайинланган пенсияни рад этиб, ишлашни давом эттирган тақдирда ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақтни пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш стажига қўшиб ҳисоблаш;

■ якка тартибдаги тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатидаги меҳнат фаолиятини иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти тури сифатида белгилашга оид қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Агар фуқаро унинг мурожаатисиз (проактив шаклда) тайинланган пенсия миқдоридан норози бўлса ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш ва кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирса, у тайинланган ёшга доир пенсияни рад этиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаро хабарномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сўронома тўлдирилган ҳолда мурожаат қилиши керак.

Қонунда, шунингдек, фуқаро

пенсия ёшига етиб, аммо меҳнат фаолиятини давом эттириб, кейинроқ ёшга доир пенсия олиш истаги бўлганида проактив шаклда тайинланган ёшга доир пенсияни рад қилиш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, пенсия фуқаронинг мурожаатига асосан тайинланади.

Шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига барча турдаги нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ўтказилганлиги муносабати билан “Давлат божи тўғрисида”ги ҳамда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини аҳоли учун пенсия тайинлаш тизимига замонавий рақамли технологияларни фаол жорий этган ҳолда янада оширишга хизмат қилади.

Ушбу қонунчилик ҳужжати билан пенсия ва нафақаларни тўлаш юзасидан ваколатли давлат органларининг вазифа ва функцияларини аниқлаштириш, пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисида маълумотлар олиш, пенсия ва нафақалар тўла-нишига оид даъво ишларида давлат божидан озод этиш бўйича айрим таҳририй ўзгартиришлар киритиш, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш тартибини, пенсия тайинлашда иш ҳақи ва стажини ҳисоблаш тартибини соддалаштиришга оид нормалар белгиланган.

Демак, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштирилиши пенсия тизимининг зарурий ҳуқуқий асослари яратилганлиги, фуқароларга умрининг охирига қадар пенсия тўлаш, муносиб яшаш шароитларини яратиб бериш, миллий пенсия тизимида янгича ислохотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис сенати
аъзоси

«ЭНГ КАТТА МЕРОС БУ — ЯХШИ ТАРБИЯ»

(Боши 1-саҳифада)

Ўтмишдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало унинг ўзлиги, тарихи, маънавияти ва маданиятидан жудо қилишга алоҳида эътибор қаратишган. Бундан 2700 йил олдин яшаган қадимги Хитой донишманди Конфуций ўз императорига шундай “маслаҳат” берган экан:

“Ҳоконим, агар бирор мамлакатни забт этиб, у ерда узок ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихи, маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш осон кечади”. Бинобарин, маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатларни тараққий этишига изн бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва но-зик йўлларида бири эканлигини истилочи, яъни босқинчилар жуда яхши анлаган.

Айнан мазкур омилларни эътиборда тутган мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган “маслаҳат”ни олдиндан режалаштириб қўйишади. Зеро, маданият, маънавият ва маърифатга таҳдид солиш орқали халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифатини барбод этиши оқибатида ҳар қандай халқ, миллат эътиқодсизлик гирдобига маҳкум бўлади.

Шу тариқа, маънавияти издан чиққан бундай мамлакатда оманинг оломонлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарволик авж олиши оқибатида халқнинг ғурур, қадриятлари аста-секин заифлаша бошлайди. Бугунги кунда ёт ва бузгунчи оқимлар ўзининг бўлажак аъзосига тўрт босқичда таъсир кўрсатишини қайд этиш лозим.

Бунда биринчи босқичда кизиктириш ва хушомад қилиб мақташга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, мураккаб саволларига (ҳаёт, ўлим, касаллик) самимий вазиятда бўлган суҳбат давомида оддий ва ҳатто соддалаштирилган жавоблар бериш, замоннинг

долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, экология, коррупция, озодлик каби тушунчаларга эътибор қаратиш, “сен келишган, ақллисан ва буюк вазифаларни бажаришга лойиқсан” дейилади. Шу тариқа, бўлажак аъзо учун иккинчи босқични амалга ошириш бошланади. Иккинчи босқичда танқидий фикрлаш қобилияти ва шахсий фазилатларни йўққа чиқариш, чарчоқ ҳолатига келтиришга эришиш, кўп соатлик иш, маърузалар, уйма-уй юриш ёки жамоат жойларига бориш (янги аъзоларни жалб қилиш учун), янги таълимот бўйича тинимсиз сабоқ бериш орқали аъзонинг нима қилаётгани ёки қандай яшаётгани ҳақида ўйлашига тўсқинлик қилувчи шароитларни яратиш, шахсинг бошқалардан сир тутилган ҳаётини минималлаштириш, бир лаҳза ҳам ёлғиз қолдирмаслик, ўзи ҳақида барча нарсани айтиб бериш ва тавба қилишга мажбур қилиш, сўзлашиш лўғатига ўзгартириш киритиш орқали бўлғуси издошдан “маъқул” деб ҳисобланган, илмий ёки диний жиҳатдан жиддий кўринадиган, аммо маъноси фақат гуруҳ ичида тушуниладиган нутқни ўрганиш талаб этилади.

Мазкур айёрона усул янги издошни ташқи дунё билан бўлган барча алоқалардан маҳрум қилади ва унинг учун аввалги алоқалар аҳамиятсиз бўлиб қолади. Натижада, биринчи босқичда берилган ваъдага қарама – қаршилик пайдо бўлади. Шу билан бирга, номзод учун учинчи босқич амалга оширилади.

Бунда гуруҳга бўлган аъзолик ҳиссини кучайтириш ва ижтимоий ҳаётдан узилишни рағбатлантириш, ўқишни/ишни ташлаш истигини пайдо қилиш, хорижга кетиш (ўқишни давом эттириш, ҳарбий тўқнашувларда қатнашиш), оила, дўстлар, жамоа билан муносабатларни узиш, ташқаридан келган ҳар қандай маълумотни шубҳали, деб қабул қилиш тушунтирилади. Мазкур босқичда гуруҳни танқид қилган ҳар қандай одам, инсоният тараққиётига қарши бўлган хавфли шахс сифатида салбий қиёфада кўрсатилиб, улар билан учрашмаслик, уларга тухмат уюштириш ёки

иложи бўлса, судга бериш тавсия этилади. Баъзида эса оила аъзолари илгари дуч келган ёки дуч келаётган барча қийинчиликлар учун улар жавобгар, деб эълон қилинади.

Албатта, ўта удабуронлик билан келтирилган мазкур далиллар оқибатида гуруҳ аъзоси ташқи қаршиликка қанчалик кўп дуч келса, у шунчалик гуруҳга чуқурроқ кириб кета бошлайди. Шу тариқа, номзодга тўртинчи босқич амалга оширилади. Яъни номзодни олдинги ҳаётга қайтишга (дунёвий жамиятга) имкон қолдирмаслик, даромад манбаининг мавжуд эмаслиги (ёки молиявий қарамлик), ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бирор касбий тажрибанинг йўқлиги қайтишни қийинлаштиради. Натижада, жойнинг тез-тез ўзгариб туриши, гуруҳдан ташқарида дунё билан барқарор алоқаларни ўрнатишга тўсқинлик қилади, бу эса, қайтишни мураккаблаштириб, аввалги кадрдон дўстлар билан алоқаларнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг оилавий алоқалари узилиб, жоҳроли ҳолатга келишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда “манкурт” тушунчасига маъно жиҳатдан яқин бўлган “зомби” атамаси ҳам қўлланилади. Зомби атамаси (Африка тилларида – “муқаддас илон”, афсун, жодугарлик билан тирилган мурда) – бегона кимсанинг таъсир кўрсатиши (кучли уйқу дориси, наркотиклар, онг ва фикрлашни хиралаштирувчи дорилар ёки бошқа таъсир этувчи воситалар) ёрдамида бировнинг хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсунадиган, мустақил фикрлай олмайдиган, ўз фикрига эга бўлмаган кимсага айланган шахс” сифатида талқин этилади.

Ҳозирги кунда террорчи ва экстремистлар томонидан асосан ёшлар, болалар ва аёллар террорчилар тайёрлайдиган лагерларда зомби бўлиб тайёрловдан ўтиб, ўз Ватани, керак бўлса, ота-онасига қарши қурол кўтараётганлар ҳам йўқ эмас. Зеро, забт этилган мамлакатларни доимо итоатда ушлаб туриш учун уларни манкуртлаштириш ҳаракати азалдан мустамлакачи империяларнинг асосий қуроли бўлиб келган. Бунги мисол тариқа-

сида айтадиган бўлсак, XIII асрда Ўрта Осиёни забт этган Чингизхон ўз саркардаларига буйсундирилган шаҳарларга нодон, иродасиз, ахлоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинлашни буюрган экан. Мана шундай мисолни XIX асрда Британия империяси томонидан истило қилинган Ҳиндистон мисолида ҳам кўриш мумкин.

Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонни забт этишда “агар итти ўлдирмоқчи бўлсангиз, уни қутурган деб эълон қилиб қўйинг, шунда унга ҳеч ким ачинмайди” – дея “ғаройиб” шиорни ҳаётга татбиқ этишади. Натижада ўз мустақиллиги ва озодлиги учун курашган жасур хиндлар “исёнчи”га айланиб, қурол кучи ёрдамида аёвсиз кириб ташланади.

Абдулла Авлоний: “Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабилар. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдур”, дея таъкидлагани айни ҳақиқатдир.

Бинобарин, Президентимиз Шарқ донишмандларининг “Энг катта бойлик бу – ақл-заковат ва илм, энг катта мерос бу – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу – билимсизликдир!” деган ҳикматли сўзларини келтириб, замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиб бораётганини, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият кераклигини доимо таъкидлаши бежиз эмас, албатта.

Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи, сиёсий фанлари
доктори (DSc), катта илмий
ходим

Давранинг тўри КИМНИКИ?

“Ака, келишингизда гўшт олсангиз, кечга овқат қилардим. Уч кундан бери дадам билан аям тузукроқ нарсга егани йўк”.

Таксида телефонда гаплашаётган йўловчига аёл киши шундай деди. Ёнма-ён ўтирганимиз учун овоз менга аниқ эшитилди. Кейин йўловчи жавоб қайтарди...

— Мен ишдан кеч чиқаман, пулим ҳам кам, амаллаб туринглар. Яқинда ойлик тушади, ҳамма керакли нарсаларни олиб бераман.

Рости, ёнимдаги кишининг пули йўк экан-да, ота-онасига ул-бул ҳам ололмапти, деб афсусландим. Бироқ телефон ўчиши билан бошқа бировга қилинган кўнғирокдан кейин фикрим бутунлай ўзгарди.

— Ассалому алайкум! Ака, яхшимисиз, дам олиш яхши бўляптими?

— ... (Жавоб қайтарилди)

— Бугун бошлиқнинг туғилган куни экан. Шунга кечки овқат менинг ҳисобимдан бўляпти. Совғамиз ҳам бор. Таътилдасиз, эшитдингизми-йўкми деб хабар қиляпман. Бугун ҳамкасблар билан доим борадиган ресторанга келасизда...

Очиғи, ҳолатни кузатиб, гапирмасам бўлмайди.

— Ака, бугун оилавий бирор жойга борапсизларми? — деб сўрадим атайлаб.

— Бугун бошлиқнинг туғилган куни. Ҳамкасблар билан ўтирамиз, — дея кеккайганча жавоб қайтарди ҳалиги киши.

Ҳозиргина ота-онасига “Гўшт олишга пулим йўк”, деган одамдан бу гапларни эшитиш жуда оғир ботди. Наҳотки одамлар шунчалик тубанлашиб кетяпти. Ота-она фарзанди учун қанча қийинчиликларни бошларидан кечирса-ю, биз эса...

Менимча, кейинги пайтда қиляётган амалларимизнинг аксарияти савоб учун эмас, балки ўз нафсимизни қондириш ва дабдабозлик учун бўляпти. Аксинча бўлганда, давраларнинг тўри дунёнинг ошу гўштини еб юрган “катталар” ёки дўст-биродарларники эмас, балки ота-онамиз ва мухтож инсонларники бўлар эди.

Сиз нима дейсиз?



Спектакль кўп, ТОМОШАБИН-ЧИ?

Биринчидан, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар оммалашиб, енгил-елпи лавҳалар, савияси паст кўшиқ ва фильмлар, бачкана дастур ҳамда кўнгилочар видеолар кўпайиб кетди. Бу эса одамларга маънавий озуқа бўладиган маданият ва санъатнинг жар ёқасига келиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, хориж маданияти, киноси, кўшиқлари, умуман, “оммавий маданият”нинг кириб келиши натижасида замонавий ҳаёт тарзида кўпроқ интерактив ва динамик кўнгилочар воситаларга талаб ошмоқда. Натижада буларнинг барчаси миллий маданиятимиз ва санъатимизга салбий таъсир қиляпти ҳамда театр ва музейларнинг ўрни йўқолиб борапти.

Учинчидан, ижтимоий тармоқларда театр репертуаридаги спектакллар рекламиси машҳур инсонлар ёки креатив видеоролик ва трейлерлар орқали намойиш этилмайди. Шунчаки эълонда қайси театрда, қандай номдаги спектакль намойиш этилиши кўрсатилади, холос. Ваҳоланки, Машҳур ва профессионал актёрлар ёки

режиссёрларнинг хатти-ҳаракати, тарғиботлари спектаклга бўлган қизиқишни оширади.

Тўртинчидан, китоб ўқийдиган, илмга қизиқадиганлар ҳам камайиб кетмоқда. Психологлар фикрига кўра, ҳозир одамлар кўпинча иш, ўқиш ёки ҳаётдаги бошқа муаммолар сабабли кўп стресс ва тангликка дуч келишади. Енгил мазмундаги контент уларга диққатини чалғитиш, дам олиши ва кайфиятини кўтаришга ёрдам беради.

Бешинчидан, одамлар узун ва маънодор контентни тушуниш учун вақт ва диққат зарур бўлади. Бизда эса битта спектаклни кўришга камида бир соат вақт кетади. Одамлар эса кўп вақт сарфламасдан енгилроқ ва тезроқ мазмунли нарсаларни танлашади. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар енгил контентни кенг тарқатади ва унга бўлган талабни оширади. Одамлар ўз атрофидагиларнинг танловларига таъсирланиб, шундай контентларни танлашга мойил бўлмоқда.

Тизимда қандай муаммо ва камчиликлар бор?

Самарқандда тўртта театр бор. Вилоят мусикали драма театрига 1914 йил 15 январда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» спектакли билан тамал тоши қўйилган. 110 йиллик тарихга эга театрда турли мавзу ва жанрлардаги тарихий, миллий, замонавий ва жаҳон классик асарлари сахналаштирилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

— Театримизда 200 нафардан зиёд ходим ишлайди, — дейди театр директори Ботир Тугалов. — Театрлар режасига кўра, йилига тўртта янги спектакль сахналаштирамиз. Ҳозирда 20 дан ортиқ спектакль мухлислар эътиборига ҳавола этилмоқда. Кўпчилик театр билет нархлари қиммат деб ўйлаши мумкин, лекин ундай эмас. Билетлар томошабиннинг ёшига қараб, 10 минг сўмдан 40 минг сўмгача сотилади. Байрамлар арафасида ва театр ҳафталиги кунларида спектакллар бепул намойиш этилади.

Тизимдаги асосий муаммолардан бири кадрлар масаласи. Театримизда сахна ишчилари, шифокор, маркетинг, ахборот хизмати штати йўк. Аксарият ходимларимизга бу ишлар қўшимча вазифа сифатида юклатилган. Шунингдек, сахна учун медиа аппаратлар, декорациялар, кўргазма воситалари етарли эмас. Театр труппаларининг ҳудудларда томошалар қўйиши, турли тадбирларга жалб қилиниши учун йўл харажатлари ва билет пуллари театрлар ҳисоб рақамига ўтказиб

берилиши керак. Чунки театр ходимлари ўша маблағ ҳисобидан ойлик олади ва спектакль декорацияларини яратиш, асарларни сахналаштиришга ишлатилади. Бунинг учун эса маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар театрлар ҳамда ҳудудлардаги маданият бўлимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Ҳозир эса бармоқ билан санокли ташкилотлар билан шартнома имзолаганмиз. Ходимларга келсак, тизимда ёш актёрлар кўп ва доим ҳам ролини қойиллатиб ижро этавермайди. Чунки кейинги йилларда актёрлар аттестациядан ўтказилмаяпти ва малакасиз ходимлар кўпайган.

Мутахассислар фикридан кўриш мумкинки, одамларнинг спектаклларга қизиқишини ошириш, томошабинлар ўрнини тўлдириш учун театрда боришни одатга айлантириш лозим. Бунинг учун, аввало, таълим муассасалари ва вилоятдаги театрлар билан шартнома тузиш, спектакллар рекламиси, намойиши учун маблағ ажратиш. Боғча ва мактаб ёшидагиларнинг театрларга қатъий ва мунтазам боришини йўлга қўйиш керак. Шунингдек, ҳар бир ташкилотда ҳам бу амалиётни қатъий белгилаш мақсадга мувофиқ. Албатта, театрда боришни ташкил қилиш учун йўл харажатлари асосий масала ва бу маблағ билан боғлиқ. Ташкилотларда касаба уюшмаси томонидан ҳар бир ходим учун йиғим олинадиган. Жараёни ана шу маблағ ёки ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ҳам ташкил қилса бўлади.



БИР ОИЛАДАН БЕШ НАФАР АСКАР

ёхуд ота-ўғил жангчиларнинг жасорати

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллик арафасида бу машъум қирғин дунё халқлари бошига жуда оғир мусибатлар келтирганлиги кўхна тарих саҳифаларида ёзилган. Уни ёшу кекса ўкиб, кўзда ёш билан хўрсиниб юради ҳамиша. Ҳа, номинг ўчгур бу уруш халқлар бошига битмас-туганмас кулфатлар ёғдириб кетди. Бунини мен биргина қишлоқдош қўшним Абдурахимовлар оиласи мисолида айтиб бермоқчиман.

...1941 йилнинг 22 июнидаги даҳшатли хабар бутун Туркиболо қишлоғини ҳам ларзага солди. Ҳамманинг оғзида лаънати уруш деган сўз такрорланар, фашист газандаларига таъна тошлари ёғилар эди.

Мўмин ўшанда эндигина 16 ёшга кирган ўспирин эди. Уруш бошланган дастлабки кунларданок акалари Саттор ва Абдусамат, кейинчалик эса Мамаражаб урушга кетди. Акалари кетиши билан уларнинг хонадонлари ҳувиллаб қолди...

... Почтачи ғамгин ҳолатда келтирган “қора хат” бутун оилани мотамга солди. Бу катта акаси Сатторнинг оғир жанглардан бирида ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги шум хабар эди. Кўп ўтмай иккинчи акаси Мамаражабдан ҳам “қорахат” келди. Оилада мотам устига мотам бўлди. Бундай мотамни фақат уларнинг оиласидагина эмас, балки юртимиздаги ҳар бир оилада учратиш мумкин эди.

Отаси Абдурахмон Ҳайитов ҳам ўғиллари учун фашист газандалардан ўч олиш ниятида фронтга жўнади. Эртаси куни Мўминнинг ўзини ҳам ҳарбий хизматга чақиришди. Оилада эса аёллар-у гўдаклар қолишди, холос.

Мўмин Абдурахимов дастлаб Куйбишев, кейинчалик Ульяновск шаҳарлари яқинидаги ўрмонларнинг бирида ҳарбий тайёргарликдан ўтди. 1943 йилнинг август ойи охирида уларни фронт линиясига жўнатишди. Ҳамқишлоқ дўсти Нормамат Эрматов билан биргаликда кўлига қурол олиб жангга киришди.

Днепр дарёси қирғокларида қизғин жанглар бормоқда эди. Мақсад Днепрни кечиб ўтиб, душманга қақшатқич зарба беришдан иборат эди. Мўмин ака Днепр бўйидаги ўша жангларни эсларкан: – “Бу жангда кўп дўстларимиздан ажралдик. Қоронғи тушгунча қисмимиз дарёдан ўтиб, ўз позициясини мустаҳкамлаб олди. Фашистлар унга қарши ҳужумга ўтишди. Уларнинг мақсади қисмимизни орқага суриб, сувга ғарқ қилишдан иборат эди”.

Қақшатқич жанг бошланди. Душ-

ман танкларидан бири Мўмин ака қаршисидан келарди. Унинг снайпер куроли панд бермади. Танк ёнарди. Фашистлар ҳаводан ҳам ҳужум қилишарди. Самолётлардан тинимсиз бомбалар ёғдира бошлашди. Яқин масофада бомбанинг портлаши Мўмин акани тупроқ тагида қолдирди. Унинг қулоқлари ҳеч нарсани эшитмас, тўсатдан нима бўлганига ўзи ҳам тушунмас эди. Ҳа, у контузия бўлган эди. Анча вақтдан кейин бироз ўзига келди.

Командирлик томонидан позицияни ўзгартириш тўғрисида бўйруқ келди. Аскарлар яқиндаги қишлоққа бориб жойлашдилар. Тезда душманга қарши разведка гуруҳи тузилди. Гуруҳга Мўмин ака, бир рус ва қорақалпоқ йигити киритилди. Немислар эса нариги қишлоққа жойлашиб олиб, бутун йўлларни кўриқлашмоқда эди. Разведка гуруҳи қишлоқ яқинидаги тепаликка ўрнашиб олди. Ёритувчи ракеталар отилиши билан душманининг қаерда жойлашганини, қуроллари қаердалигини аниқладилар ва шу билан бирга немислар асосий кучларини машиналарга ортиб, қаёққадир кетаётганлигини аниқ кўрдилар. Бу тезда командирликка етказилди. Уларга бу маълумотлари учун икки кун дам олишга рухсат берилиб, ташаккурнома эълон қилинди. Шу куни немислар 75 километр орқага чекинган эди. 1944 йилнинг октябрь ойида бўлган жангларнинг бирида Мўмин ака қаттиқ яраланди ва Харьков шаҳридаги госпиталлардан бирида уч ой даволангач, Орск шаҳридаги госпиталга юборилди. Бу ерда у тожикистонлик аскар Шариф Шодиев билан бирга тўрт ойга яқин даволанишда бўлди.

Жангларда оғир жароҳатланганлиги учун унга 1944 йилнинг 15 апрель куни уйига жавоб беришди. Мўмин ака 20 апрель куни оиласи билан дийдор кўришди. Тасодифни қарангки, 21 апрел куни отаси ҳам уйига кириб келди.

1944 йилнинг июн ойида Мўмин Абдурахимов Челақдаги 25-мактаб қошида ташкил этилган ўқитувчилар



тайёрлаш курсини тугатиб, муаллимлик қила бошлади. 1949 йилда эса Самарқанд педагогика билим юрти, 1964 йили Самарқанд давлат университетининг филология факультетини сиртдан тугатди. 1953 йилга қадар Мўмин ака Пайариқ туманидаги қатор мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ёшларни тарбиялашдаги хизматлари эвазига бир қанча мукофотларга сазовор бўлди.

Ҳар гал шаҳардан қишлоқдаги ҳовлимга борганимда, кўз ўнгимдан қўшним – Абдурахимовларнинг урушдаги жасорати кўз ўнгимдан бирма-бир ўтаверади. Яқиндагина катта йўл бўйидаги янги уй орқасидаги ўриндикда доимо ўйчан ўтирган жангчи ўқитувчи Мўмин Абдурахимов бугун орамизда йўқ. Пайариқликлар доимо бу ота-ўғиллар руҳи олдида таъзим қилиб келадилар. Ҳатто туманининг собиқ ҳокими Абдумўмин Жўраевнинг ташаббуси билан Мўмин Абдурахимов ҳаётлиги даврида унга янги уй қуриб берилган эди. Камина ҳам бу савоб ишдан ўзимни четга олмадим. Ўзимнинг ва муаллим жангчининг ҳовлимиз орқасидан ўтадиган ариқ бўйида матонатли ота-ўғил жангчилар хотирасига 5 туп тут ниҳоли ўтказганман. Бу дарахтлар бугун ғарқ пишиб, ҳосилга кирган. Унинг мевасидан баҳраманд бўлаётган ҳамқишлоқларим орасида ўқувчи ёшлар сон-саноксиз. Улар ўзларининг ўқитувчи, жангчи боболарининг жасорати ҳақида бир-бирига ҳикоя қилиб беришдан чарчамайди.

Ҳа, мардлар жасорати асло сўнмагай.

Облоқул УСМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби,
1-даражали меҳнат фахрийси.

Муассислар:

Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Савдо-саноат
палатаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нархда.

«Жамият»
ижтимоий-сиёсий газетаси
2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6





«...МАҚТАБ, МАҚТАБ ЎЛДИРАМИЗ»

Сўнгги кунларда юртимиздаги энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири – бу, албатта, футбол. 17 ёшли ўсмирларимизнинг Осиё кубогидagi ғалабаси, ҳеч муболагасиз, бутун дунёни ҳайратда қолдирди. Кўп чет эллик (қозоқ бовурларимиз, тожик биродарларимиз, инглиз дўстлар, руслар ва, ҳаттоки, индонезияликлар ва таиландликлар видеоларини кўрдим) таҳлилчилар, шарҳловчилар, оддий одамларнинг гап-сўзлари ва таҳлилларини кўриб, эшитиб ғурурга тўлдим.

Наҳотки, бу мен яшаётган Ўзбекистон эришаётган ютуқлар бўлса...

Бундан сал олдин Абдуқодир Хусановнинг “Mancity”га ўтиши ва у ерда ёрқин ўйин кўрсатиб, инглизу французлар, кўйинги, бутун жаҳонни “uzbek uzbek”, деб такрорлашга мажбур қилганди. Албатта, Элдор Шомуродовга ҳам офтоб чиқиб, итальянларнинг севимли фарзандига айланиб қолганини ҳам айтиш керак.

Бир видеода “Рома”нинг мухлислари стадионни тўлдириб, “Шо-му-ро...доу” дея жўр бўлиб ҳайкирганини, клубнинг бир фанати уйда кўзи ёшга тўлиб, “Элдор-Элдор”, дея бақириб чайқалганини кўрдик.

Энди футбол ҳақида гапирганда, рус остонасини қизитаётган Аббос, турк, форс ва бошқа чемпионатларни “қайнатаётган” ҳамюртларимиз ҳам кўнглимизни бўшаштираётгани бор гап. Бу жуда гўзал ҳолат. Яқин яқингача битта гап бор эди: “етти ухлаб, тушимизга ҳам кирмаганди”.

Хўўп, ғурурланиб бўлдикми?... Бардавом бўлсин!

Энди танганинг бошқа томонига ҳам бир қарайлик...

Охирги кунларда Абдуқодир Хусановнинг “Mancity”дан бошқа жамоага ижарага берилиши, ҳатто, сотилиши ҳақида кўплаб гаплар чиқди.

Сўнгги бир неча ўйинда “захира ўриндигини иссиқ қилиб турган” ҳамюртимиз нимага бундай ҳолатга тушди? Бу яхшими ёки ёмонми? Нега яхши ўйнаб турган бола, бирдан мухлисга айланиб қолди?..

Ҳар хил фикрлар бор, улар баъзида бир бирига қарама-қарши. Кўпчилик бу вазиятни Абдуқодирнинг март охирида Ўзбекистон термасининг ўйинларида қатнашиш учун келганида, уни бир тўп блогеру журналистлар, мухлисларнинг “паррак қилиб ўйнатгани” ва унга бўлган ортиқча тавозе билан боғлашяпти. Нима эмиш, Абдуқодир Ўзбекистонга келганда унга бўлган “меҳримиз”, бундан унинг ўзини тутиши Гвардиола акамизга ёқмаганмиш.

Энди ўртоқлар, Абдуқодир-ку жуда ёш йигит.. Бундай “кўтар-кўтар”ни унча-мунча ёши улуг инсон ҳам ҳазм қилиши ўта қийин масала...

Абдуқодирга муносабат, худдики “салфетка” услубида бўлди (узр сўрайман бу гап учун). Керак пайтида олиб, қўл-оёқ артишда фойдаланиб, улоқтиргандай гап.

Мана энди асосий масала!!!

Биз нега шундаймиз? Нега ўз манфаатимиз йўлида бошқани бунчалик шафқатсизларча “эксплуатация” қиламиз?

Шунга ўхшаш ҳолатларни кўрганда, доим ичим эзилиб кетади, мия бўлса 2011 йилни кўз олдимга “катта экран” қилиб кўяди...

Нимага дейсизми?

Ўша йили 17 ёшлилар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлганди. Ўзбекистонлик ўсмирлар мана-ман, деган командаларнинг бошини ерга қаратиб, ЧОРАК финалгача борганди. Вой-бўўў, деб бақирганди ўшанда жуда кўпчилик...

Ўшанда дунёнинг кўп нашрлари ўзбек футболининг ёрқин келажаги пайдо бўлди, Ҳакимов, Махсталиев (шундай иқтидорлар бўлган) ва бошқа ўсмирларимизни “Барселона”, “Бавария”, “Реал” ва бошқа клублар талашаётгани ҳақида кўп ўқидик, эшитдик.

Бир пайтлар миллий термаимизга мураббий бўлган, ўзи россиялик Валерий Непомняший ўша мамла-

кат ТВсига берган интервьюсида “Яқин 4-5 йил ичида Ўзбекистон бутун дунёни титратади, кўрасизлар” деганига ўзим гувоҳман...

Улар қайтишганда, ҳар бир боланинг тагига Малибу-ю, чўнтагига жарақ-жарақ пуллар тиқилаверилди. Энг ёмони “кўтар-кўтар ва яна кўтар” бўлиб кетганди.

Ҳатто, Гиннесс китоби ҳам бурчакда хижолат тортиб турди...

Айтиб қўяй, у пайтда блогерлар деярли йўқ эди. Лекин уларни бутун республика бўйлаб ўтаётган тадбирми, йиғинми, ҳа олинг, тўйми-маъраками бўлса, ҳатто, ГАПларга ҳам ёқасини йиртгудек, ташиб кетишди.

Айтмоқчи, 2011 йилда ҳам жуда кўп “донишманд”лар бу болаларни асраб-авайлаш кераклигини, уларни тадбирма-тадбир юришга қўймаслик, улар тренировка қилишини, психологлар ишлаши зарурлигини кўп-хўп айтишганди.... Охири нима бўлди?

Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов айтганларидек;

*Парво қилма, бўлмаганини
бўлдирамиз,*

*Паймонаси тўлмаганини
тўлдирамиз,*

*Бир пайтлар отар эдик,
осар эдик,*

*Энди эса мақтаб,
мақтаб ўлдирамиз.*

Энг қизиғи, ўша пайтда ҳам ЎФА бор эди, вазирлик бор эди, жамоатчилик ҳам тирик эди...

Хўўп, улар ҳозир қани? Нима бўлди? Ким айбдор?

Улар ҳозир қаердалиги ўзимга ҳам қизиқ. Улар футболда “қумга тушган томчи”дек кўринмай кетди. Ўша собиқ мураббий айтганидек, дунё ҳам титрамади, балки қулгандир... Титраган бўлса ҳам, кўпчилик аламдан йиғлади, холос.

Ўша қорақўзларимизнинг мислсиз мактовлар шиддатига дош беролмай, “қурбон” бўлганига ўзимиз айбдор эмасмизми..?

Уларнинг уволи тутмайдими?..

Жиммизми?..

Мана яқинда ҳам Осиё кубогини ютган болалар тадбирларнинг тўрига, тўйларнинг саҳнасига, йиғинларнинг бошловчисига, блогеру

журналистларнинг “мўмай интервью”чисига айланишни бошлади. Бир боламиз “чотдан гол ургич”, яна бири “қош қоқиш” бўйича мемлар яратишга жалб қилинган бўлса, ажабмас.

Уларнинг жасорати, матонатини инкор қилмаган ҳолда сўрайлик: ҳали нима улкан иш қилиб қўйдик-да, бунча ўзимизга сиймаймиз? Нима, катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлдикми, ё дунёни ағдариб юбордикми? Замон тез, эрта-индин хорижликларнинг жуда кўпи бу воқеани унутади. Масалан, охирги жаҳон чемпионати ғолиби қайси жамоа бўлганини ким эслайди..?

Чунки бошқа янгиликлар бисёр. Биз бўлса, бирор кичик ютуққа эришмайлик-да; қайталаб мақтаб, осмону фалакка кўтариб, “носни кайфидай кайф” қилаверамиз.

Нега ҳар сафар битта хатони такрорлайверамиз?

Ишонаман, мана шу ерда ҳаммамиз бирлашишимиз керак...

Ўсмирларимизга раҳматимизни айтдик, совғаю мукофотларни бердик. Офаринларни ҳам ўрнига қўйдик.

Ҳамма обрў-эътиборга, ҳалол бойликка тинимсиз меҳнати билан эришади. Энди уларни тинч қўяйлик... Ҳали уларнинг олдида ҳам кўўўп марралар турибди...

ЎФАю, амалдорлару, психологидан тортиб, ҳамма ваколатлилари ишласин. Сизу биз ҳам қараб турмайлик.... Ҳеч бўлмаса, уларга халақит бермайлик.

Келинг, футболчи бўладими, шахматчими, математикми, тилшуносни, кимёгарми тер тўкиб, билим ва маҳоратини ошириб, нимагадир эришгани “кипригимга ўтказаман”, деявериб, уларни ИЗИдан чиқарвормайлик.

Бошқа давлатларнинг фукаролари, ёшлари ҳам катта-катта ютуқларга эришяпти-ку. Бизчалик уларнинг “оёғига болта” урмаётгандир.

Айтгандай, биз севиб такрорлайдиган “бу борада жаҳоннинг илғор тажриба”ларидан ҳам фойдаланайлик. Ахир, Ламин Ямал, Жуд Белингем, деган ёш йигитчалар ҳам “Барса”, «Реал»нинг “қоплонлари” бўлиб юрибди-ку. Нега улар ўзидан кетиб қолмайди экан...?

Чунки уларда бу борада тажриба бор, илмий ёндошув бор, мураббий бор ва жамоатчилик ҳам пиар учунмас, ўз фарзандининг келажагини ўйлаб ҳаракат қилади...

Айтадиган гап жуда кўп, ёзадигани унданам...

Бир донишманд, тарих шуниси билан муҳимки, у бизни ҳеч нарсага ўргатмайди... деган экан.

Ҳеч бўлмаса, шу сафар ўргатсин, сабоқ чиқаришни ўрганайлик, илтимос...

Салим ДОНИЁРОВ